

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqqan boshlagan 2001 yil 3 avgust juma № 29 (316) sotuvda erkin narxda

ПРЕЗИДЕНТ СОЧИГА
ЖҲНАБ КЕТДИ

1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов МДХ мамлакатлари давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россиянинг Сочи шаҳрига жўнаб кетди.

Саммитга норасмий деган мақом берилган эса-да, унда президентлар бир қанча муҳим масалаларни муҳокама этади. Анжуман доирасида айрим давлатлар раҳбарлари ўртасида яккама-якка учрашувлар бўлиши кутилмоқда. Хусусан, сафарнинг биринчи куниёқ давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Россия президенти Владимир Путин билан учрашуви режалаштирилган. Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда.

Анжуманнинг иккинчи куни давлатлар раҳбарларининг ялпи учрашуви бўлиб ўтади. Унда МДХ доирасида интеграция жараёни, эркин савдо зонаси барпо этиш, шунингдек, нарқобизнес ва халқаро терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилиши кутилмоқда.

Маълумотларга кўра, мазкур сафар асносида Ислам Каримовнинг Украина президенти Леонид Кучма билан ҳам яккама-якка учрашуви режалаштирилган.

МДХНИНГ СОЧИ
САММИТИ

2 август куни Россиянинг Сочи шаҳрида МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳам қатнашди.

«Чойздордаги бинолар» мажмуида президентларнинг ялпи учрашуви бўлди. Унда МДХ доирасидаги интеграция жараёнини ривожлантириш, стратегик барқарорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Президентлар минтақавий масалалар юзасидан ҳам батафсил фикр алмашди. Саммит норасмий бўлгани боис унинг якунида бирор ҳужжат имзолангани йўқ. Шундай эса-да, журналистлар билан бўлган учрашув чоғида, иштирокчилар мулоқот самаралари ва фойдали бўлганини таъкидлади.

Саммит доирасида президентларнинг икки томонлама учрашувлари ўтказиш ҳам режалаштирилган. Ўзбекистон раҳбари 1 август куни Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказган эди. Саммитнинг иккинчи куни Украина президенти Леонид Кучма билан учрашди. Мулоқотлар чоғида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

(ЎзА).



Термиз шаҳрида мустақиллик байрами арафасида 3 минг ўринга мўлжалланган амфитеатр фойдаланишга топширилади. Шаҳар кўрғига кўрк бўлиб тушайтган мухташам бинони тиклаш бош пудратчиси Музаббот-даги 253-механизацияланган кўчма жамланма бунёдкорларига Самарқанд шаҳридаги «Усто» фирмаси нақш

қошлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Миллий нақш жилдолари бино чиройига чирой қўшмоқда. Суратда: Термиз сановат пайвандлаш ҳиссасдорлик жамияти пайвандчиси Султонали Ҳайитов курилишда жонбозлик кўрсатиб ишламоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МЕТРОСОЗЛАРНИНГ ТУҲФАСИ

Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи навбати курилиши ниҳоясига етказилмоқда. Мазкур йўналиш бекатлари мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида йўловчиларни ўз бағрига олади.

Янги йўналиш биринчи навбатнинг умумий узунлиги 7,61 километр-дан иборат. «Тошметро-курилиш» трести бунёдкорларининг савий-хара-катлари билан олти бекат, яъни «Минг ўрик», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев» ва «Юнус Ражабий» бекатлари курилиши тугалланди. Метрополитеннинг «Чилонзор» йўналишига

«Амир Темури хайбони» бекатидан ўтилади. Янги йўналишнинг ишга тушиши Юнусобод мавзесида яшовчи аҳолига қулайлик туғдириш билан бирга, кўпдан-кўп транспорт воситаларидаги йўловчилар тирбандлигига барҳам беради.

Айтиш керакки, ерости йўналишининг ушбу навбати курилиши 1995 йил-да бошланганди. Ҳар бир бекат ўзига хос лойиҳавий

ва меъморий ечимини топган. Бекатлар курилишида энг замонавий безаклар ва шарқона услуб уйғунлаштирилган. «Минг ўрик» ва «Юнус Ражабий» бекатлари бирлаштириш техник жиҳатдан анча мураккаб кечди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент метрополитени Марказий Осиё минтақасида ягона мураккаб муҳандислик ва ноёб меъморий иншоот ҳисобланади. Ўзбекистон пойтахти ер ости қозонасининг дастлабки йўналиши 1977 йилнинг ноябрида ишга туширилганди. Аини пайтда хара-катдаги икки йўналишнинг умумий узунлиги ўттиз километрдан иборат.

«Туркистон-пресс»

Фельетон

машғулот хонаси, катта зал, омборхона, китоб бўлимининг 7 та хонаси-ни куриб олган. Бу қўшим-ча курилишлардан бирон-таси сув хўжалиги бош-қармасининг баланс даф-тариди қайд этилмаган-ку?

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябридаги 453-сон-ли қарорига асосан тасар-руфдан қатъий назар халқ таълими фойдаланаётган бинолар балансида ба-лансга ўтказиб берилиши керак эди. Аммо негадир Самарқанд вилоят сув хўжалиги бошқармаси бино-ни хусусийлаштириб сотишни маъқул топди.

Қизғин шундаки, кўчмас мулк эгалари ҳимоясиз қолган унга нисбатан дав-воғарлар яна кўпайди. Бинонинг Фарҳод Шаропов-дан ортб қолган қисми-ни — болалар ва ўсмир-лар ижодиёти маркази-нинг ҳовлисини туман халқ таълими бўлимининг собиқ раҳбари Исмаил Набиев пинҳона эгаллаб олди, дейди шикоят муал-лифи Карим Набиев.

Ўзбекистон Республика-сининг Ер хусусидаги низо-ларини ҳал этиш ҳамда «Ер тўғрисида»ги қонун-нинг 62-моддасига асосан шаҳар ҳудудиди ерга эга-лик қилиш ва ердан фой-даланиш масалаларида қорхоналар, муассасалар, ташиқлотлар билан фука-ролар ўртасида чиққан ни-золар ҳокимият томони-дан ҳал қилиниши лозим деб кўрсатилган. Бироқ Ургут туман ҳокимлигида-ги жанобларнинг низоли масалаларга муносабати

ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ
БАЙРАМГА
28 КУН
ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори
ИККИНЧИ ЧАКИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING
ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАКИРИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кен-
гаши қарор қилади:
Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг олтинчи сессияси 2001 йил 29 август
куни Тошкент шаҳрида чакрилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 июль.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2001 йил 1 август куни Ўзбекистон Респу-
бликаси Марказий сайлов комиссиясининг навбат-
даги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси комиссия
раиси Нажмиддин Комилов олиб борди.
Мажлисида бўшаб қолган ўринларга шу йил 29
июль куни ўтказилган Олий Мажлис депутатла-
ри сайловининг якунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси мазкур округ сай-
лов комиссияларининг овоз бериш натижалари
тўғрисидаги баёнларини кўриб чиқиб, «Ўзбеки-
стон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғри-
сида»ги Қонуннинг 11- ва 46-моддаларига муво-
фиқ 10-Чуқурсой сайлов округидан Ўзбекистон
«Адолат» социал-демократик партиясидан ном-
зоди кўрсатилган Дилором Тошмуҳамедовани, 31-
Балиқчи сайлов округидан халқ депутатлари Ан-
диджон вилоят Кенгашидан кўрсатилган Эргаш-
бой Воҳидовни, 46-Пойтуғ сайлов округидан халқ
депутатлари Андижон вилоят Кенгашидан кўрса-
тилган Машариф Юсуповни, 118-Пайарик сайлов
округидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий де-
мократик партиясидан кўрсатилган Хуршид Дав-
роновни, 133-Сардоба сайлов округидан халқ де-
путатлари Сирдарё вилоят Кенгашидан кўрсати-
лган Алишер Исроиловни, 139-Термиз сайлов ок-
ругидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси-
дан кўрсатилган Робия Каттаевани, 147-Сарио-
сий сайлов округидан Ўзбекистон Фидокорлар
миллий демократик партиясидан кўрсатилган Пар-
да Мадиевни, 152-Олмалик сайлов округидан
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрса-
тилган Геннадий Прохоренкони, 177-Қайнар сай-
лов округидан Ўзбекистон Халқ демократик
партиясидан кўрсатилган Маърифатхон Анваро-
вани, 217-Қарши сайлов округидан халқ депу-
татлари Қашқадарё вилоят Кенгашидан кўрсати-
лган Бахтиёр Ҳамидовни, 219-Ғузор сайлов ок-
ругидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси-
дан кўрсатилган Олим Муродовни, 220-Дехқонбод
сайлов округидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш»
демократик партиясидан кўрсатилган Холбоёв Бо-
зоровни, 221-Қамаши сайлов округидан Ўзбеки-
стон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган
Абдурашул Ғафуровни, 236-Яккабоғ сайлов ок-
ругидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демокра-
тик партиясидан кўрсатилган Улмас Саиджонов-
ни Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олиш
тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссиясининг қарори
Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга
ўтказилган сайлов натижаларига кўра сайланган
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида

«Ўзбекистон Респу-
бликаси Олий Мажли-
сига сайлов тўғриси-
даги Ўзбекистон Рес-
публикаси Қонунинг
11 ва 46-моддаларига
мувофиқ

Марказий сайлов
комиссияси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Респу-
бликаси Олий Мажлиси де-
путатлари сайловини
ўтказувчи тегишли округ
сайлов комиссиялари-
нинг бўшаб қолган ўрин-
ларга 2001 йил 29 июль
куни ўтказилган сайлов
натижалари тўғрисидаги
баёнлари асосида қуйи-
дагилар Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Мажли-
си депутатлари этиб
рўйхатга олинсин:
(Қисқартириб берил-
моқда).



ТОШМУҲАМЕДОВА Ди-
лором Ғофуржоновна,
1962 йили туғилган, Ўзе-
бекистон «Адолат» социал-
демократик партияси
аъзоси. 10-Чуқурсой сай-
лов округидан, Ўзбеки-
стон «Адолат» социал-де-
мократик партиясининг
номзоди этиб кўрсати-
лган. Тошкентдаги «Фар-
мед» хусусий фирмаси
бош директори.

Одоб, бу ёмон сўздан ва ёмон ишдан
ўзини тиймоқдур ҳамда ўзининг ҳам, ўза-
нинг ҳам иззатини сақлаб, обрўсини
тўқмасликдир.

«Ахлоқи муҳсининг»дан

Бу хабарни эшитиб ҳайратдан ёқа ушлайсан
киши. Мақтаб ўқувчилари машғулот ўтказадиган
йигирмадан ортиқ тўғрак, ёшлар ижодиёти мар-
кази, ёш ўлкашунослар маркази эшикларини бир
кунда тақа-тақ ёпилди. Ўқувчилар суд ижрочи-
лари ва милиция вакиллари орқали бинодан ҳай-
даб чиқарилиди. Энди ҳар кун дарвоза олдини
супуриб, сув сепиб, саранжом-сарништа қилиб
қўйдиган қорувлар йўқ. Ичкарига кириш
хавфли — бегона кишининг шарпасига ҳам важо-
ҳат билан ириллаб ташланадиган бесўнақай
қўппак боғлаб қўйилган.

Хўш, нечун ёппик
эшиқлар ортида бундай-
ин ноҳус манзара? Ҳай-
рон бўлманг, саҳни 157
квadrat метрлик, ҳовли-
си 12 сотихлик бу бино
Ургут туман сув хўжали-
ги бошқармаси ходими
Фарҳод Шаропов номи-
га хатлаб берилган
эмиш. Аникроғи у имо-
ратни давлат мулкни
бошқариш ва тадбир-
корлиқни қўллаб-қувват-
лаш бўйича Самарқанд
вилоят ҳудудий бошқар-
масининг 288-сонли ор-
дери асосида 99 минг
316 сўмга сотиб олган-
миш.

— Кўролмаганларнинг
қўзи чиксин, — деб асаб-
лари қайшаб қолишди
хонадон соҳиблари. — Уй
эмас бошимизга балони
сотиб олган эканмиз.
Ёза-ёза, текшир-текшир-
лардан бўлармиш
бўлди. Сиз ҳам хойна-
хўй текширувчи бўлсан-
гиз керак? Ўзганларнинг
ҳаммаси тухматчи.
Ие, нахотки адашган
бўлсак, дея уй эгаси
узатган ордери тикила-
миш. 288-рақамли рос-
мана ордери! Эгаллик
хуқуқини тасдиқловчи
ҳужжат қачон, ким томо-
нидан берилганлиги
аниқ ёзиб қўйилган. У
ҳолда ёш сайёҳлар ва
ўлкашунослар маркази

бошқа турар жой берил-
маган ҳолда бу бинодан
кўчирилсин деган қарор
чиқарди.

Энди суд ижрочилари
ва милиция вакиллари
«Ёш сайёҳлар ва ўлкашун-
ослар маркази»га нега
ташриф буюришганини
фахмлаб қолгандирсиз.
Улар ёрдамида бўшаб
берилган бинода Фарҳод
Шаропов хонадони кўчи-
б ўтди. Орадан бир йил
ўтиб суд даъвогар Шаро-
повнинг яна бир даъвоси-

на қаноатлантириб, бино
олдидаги юз эмас, нақд
442 квадрат метрлик ер
чегарасини белгилаш
ҳақида қарор чиқарди.

— Улка тарихини ўрга-
ниш, Ургут тоғларига чи-
қиб гербарий тўплаш,
тўғрақларда қандақор-
лик, наққошлик сирлари-
ни эгаллаш зарур бўлган
ёшлар кўча қангитиб тўп-
тепиб, муқаймоқу писта
сотиб юравершин экан-
да, — дейди тўғрак раҳ-
бари Карим Набиев. — Биз
бу қарордан норози бўлиб
қўллаб шикоятлар ёздик.
Аммо на ҳокимият ва на
суд идоралари масалани
чуқурроқ ўрганиб, адолат-
ли хал этишга ҳафсала
қилишмаяпти.

Тўғрак раҳбари Карим

армаси янги биного кўчи-
б ўтган ўзининг бу эски
маъмурий биносидан йи-
гирма йил давомида мут-
лақо фойдаланмаган.
Шунча йил халқ таълими
бўлими бу ерда узлуксиз
фаолият юритган. Ўзе-
бекистон Республикаси
фукаролик кодексининг
187-моддасига муво-
фиқ мулкдор бўлмаган,
аммо кўчмас мол-мулк-
ка 15 йил давомида
ўзиники қаби ҳалол,
ошқора ва узлуксиз
эгаллик қилган шахс бу
мол-мулкка мулкдорлик
хуқуқини олади.

Демак, туман халқ таъ-
лими кўчмас мулк эгаси.
Боз устига ташиқлот бу
ерда ўз кучи билан
қўшимча равишда 13 та

Манзилимиз:

